

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 1

«08» июни 2022 й.

Кизилтепа туман

«Ахмат Шер» МЧЖ кейинги уринларда "Пудратчи" деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбари Б-тепа АҚС М бир томондан ва Кизилтепа туман БУСМ, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи С ЧОСУНОВ иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Ушбу шартнома буйича "Пудратчи" «Буюртмачи»нинг буюртмасига ва тузилган лойиха смета хужжатларига асосан Кизилтепа туман БСУМга карашли Болалар Спорт Мажмуаси стадионини жорий таъмирлаш учун «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.
- 1.2. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 485 500 000 сўмни ташкил этади.

2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

- 2.1. «Буюртмачи» томонидан тақдим қилинган хужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг киймати суммаси 485 500 000 / Тўрт юз саксан беш млн беш юз миля сўмни ташкил қилади.
- 2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши « 09 » июн 20 22 йил.
- 2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаш вақти « 30 » июн 20 22 йил.

3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

- 3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида курсатилган муддатгача амалга оширилади.
- 3.2. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган таъмирлаш материалларини тақдим қилиши мумкин.
- 3.3. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.
- 3.4. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сўнг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

4. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

- 4.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи суммаси 485 500 000 / Тўрт юз саксан беш млн беш юз миля сўмни ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 30 % ёки 145 650 000 миқдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тулов 2022 йилнинг июн ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 339 850 000 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи хужжат тақдим қилгандан сўнг шартнома амал қилиш муддати тугагунча амалга оширилади.
- 4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.
- 4.3. «Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошиқча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 5.1. Шартнома баҳоси суммаси 485 500 000 / Тўрт юз саксан беш млн беш юз миля сўм бўлган таъмирлаш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.
- 5.2. Махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилади.
- 5.3. Ҳар хафтанинг душанба кунда жорий ҳафтада бажарилган таъмирлаш-монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли хужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига куйидаги тартибда жарима тулайди:
 - таъмирлаш муддати 10 кунга кечиктирилса, шартнома баҳосидан 0,5 % миқдорида;
 - кейинги 20 кун учун шартнома баҳосидан 5 % миқдорида;
 - ундан кейинги муддатлар учун 20 % миқдорида;Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.
- 5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ

бажарилган ишлар тўғрисида 2-сонли далолатномани тузади.

6. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 6.1. Шартномада кўрсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» махсус ҳисоб-рақамидан ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг тўланмаган нархидан 0,04% миқдорда «Пудратчига» жарима тўлайди.
- 6.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.
- 6.3. "Буюртмачи" тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 2-сонли далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади.

7. ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

- 7.1. Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан хўжалик судларида ҳал этилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

- 8.1. Ўзбекистон Республикаси "Бюджет кодекси"нинг 122-моддасига асосан бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ажратиладиган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар улар вазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга кириши назарда тутилган.
- 8.2. Мазкур шартнома 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

9. БОШҚА ҲОЛАТЛАР.

- 9.1. Томонлар шартнома мажбуриятлари юзасидан узаро ҳамкорлик қилиб турадилар.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

Ахмат Шер МЧЖ

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Қизилтепа тумани Қалъачи - Азизон МФЙ

Тел./факс 90-085-31-00

х/р 20208000500879336001

МФО 00945

ОКОНХ _____

СТИР 305540353

Раҳбар _____



М.Ў.

«БУЮРТМАЧИ»

Кизилтепа туман БУСМ

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Кизилтепа шаҳар А.Навоий МФЙ Ўзбекистон шох куча

Тел./факс _____

шх/в 401722860122167083610135001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 206908741

ОКОНХ _____

Вазначилик бўлинмаси номи:

Кизилтепа туман бўйича Вазначилик бўлинмаси

Ягона ҳазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий банк ББХКМ

МФО: 00014

Вазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Раҳбар _____



(Ф.И.Ш)

(имзо)

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Навоий
вилояти ҳудудий бошқармаси

Qiziltepa tuman
"Farida al-Aziz Navoiy"
Advokatlik byurosi



Қизилтепа туман
"Фарида-Ал-Азиз Навоий"
Адвокатлик бюроси

Navoiy viloyati, Qiziltepa tumani, O'zbekiston shox ko'chasi. 7. uy Tel.: +99890-647-99-08.

2012 йил «08» «06»
№ 3.

Махсулот олувчи Қизилтепа Б.Ҳ.С.М.
фаолият кўрсатаётган
номидан С. Косинов
билан махсулот етказиб берувчи
фаолият кўрсатаётган Халмат Шер М.З.М.
номидан К. Рашидов
ўртасида тулиётган шартнома лойиҳаси юзасидан


Лицензия № 25, 28.12.2011 й. Навоий
вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан адвокат
лавозимида ишлаб келаётган С. Косинов Ш. М. Ш. Собиров
томонидан

Х У Л О С А

Махсулот етказиб берувчи Халмат Шер М.З.М.
Махсулот олувчи Қизилтепа тумани Б.Ҳ.С.М.
ўртасидаги № 1 «08» «06» 2012 йилги 485.500000 сўмли шартнома
лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодекси, «хўжалик юритувчи субъектлар
фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунни ва бошқа қонун ҳужжатлари
асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб,
ушбу Шартнома Ҳ.Р. Б.Т.К. илт. қараб чиқи
ҳақиқатдан ҳам С. Косинов Ҳ.Р. Б.Т.К. илт. қараб чиқи
рўйхатдан ўтганлиги ва
шартномани имзолаш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда махсулот олувчи (ёки махсулот етказиб берувчи)
нинг банк реквизитлари тўғри (ёки нотўғри) бўлиб, тўлов қобилиятига эга (ёки эга эмас) эканлигини
ва шартнома лойиҳасини қонунчилик ҳужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Қизилтепа туман «Фарида Ал-Азиз Навоий»
Адвокатлик бюроси адвокати:



И.Собиров

И.Собиров